

Манас» - киргиз халкининг узок ўтмишини ёритувчи ёркин сахифа. Манаснинг номи хамиша киргизлар учун табаррук. Кадимдан Урхун, Олтой, Энасой, Олатогун макон тутган, жуда кўп киргингаротларни бошидан кечирган ота-боболаримиз улкан иморатлар, кўркам шахарлар, мустахкам калъалар куришга имкон тополмадилар. Улар она юртни ёвдан химоя килиб, от йўлида гурунг килиб ажойиб сўзлар воситасида буюк ёдгорлик бунёд этдилар. Улуг шоирлар, ажойиб достончилар авлоддан-авлодга маънавий мерос килиб бу ёдгорликларни ХХI асргача олиб келдилар.

Манас- табаррук сўзлар гавхаридан иборат буюк достон. Унда элнинг тарихи, кувонч ва кайгуси, омонлик ва ёмонлик, гаройиб тақдирлар ўз ифодасини топган. «Хаётимнинг кўпчилик кисмини «Манас» ни ўкишга сарфладим. Бунинг учун хамиша шукrona киламан. Кетган вактим учун асло кайгурмайман», -деб ёзади киргиз ёзувчиси, академик Тугалбой Сиддикбеков. Бир неча асрлардан бўён оғзаки айтилиб келинган «Манас» хозирги кун талабига яраша насрда баён килиш бошланмоқда. Бу ишни иктидорли адиллардан бири Кенгаш Жусупов амалга ошириди ва хаммабоп бўлишга харакат килди. Айrim парчалар тушиб колдирилган бўлсада, асар мазмунига салбий таъсир кўрсатмаган.

Насрда киргиз халкининг тарихи, манаснинг қаҳрамонлиги, инсоний фазилатлари, ҳакикат учун олиб борилган курашлари кўз ўнгимизга яккол гавдаланади. Олой ва Олтой ўртасида тарихдек тиркираб кетган, киндик кони тўкилган еридан, мосуво бўлган, кейинчалик бир-бирини топиб каддини тиклаган киргиз халкининг қаҳрамонлик достони бир ўзбек миллатининг хам севимли достонидир.

Бу достон дастлаб Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоев томонидан ўзбек тилига таржима килинган.

Достон мазмуни.

Кора Хитой хони Эсекхон Нугайхон аскарларини ер билан яксон килиб, ерларни босиб олдилар. Кугайхон ёруг дунёни тарк этди. Турк кавмидан ахиллик юз ўтириди.

Кугайхондан колган тўрт ўгил Ўрозли, Усан, Бой, Жакип боши оккан томонга йўл оладилар.

Бири Олтойга, бири Уралга, яна бири Кашкарга, бири Тебитга хайдалди. Кирк уйли киргиз билан Жакип Олтойга келди. Оқболта билан танишди. Жакип қалмоклар билан кўшничиликни яхши йўлга кўйди. Кўплаб бойликлар орттириди. Афсус у тирнокка зор эди. Жакип туш кўрди. Тушида улкан кушни тутиб олгани, кушга илондан узун bogланганинг хотинига айтди. Бу ажойиб туш учун тўй килди. Тўйнинг довруги Эсенхонга хам етиб борди ва у газабланди. Бу ўжар халкни кандок бўлмасин ер юзидан супириб ташламок керак деб саройга фолбин ва башоратчиларни тўплади. Улар юлдузлар харакатига караб Эсенхонга шундай дедилар:- Таксир бунга тугал жавобни Бежиндаги Корахоннинг ўрдасида очик осмон остида шаклланаётган сандикдаги китобда ёзиб кўйилган. Ўшанга вакил юбориб, ўқитиб кўрайлик. Жосуслар китобдаги ёзувни ўкиб, Эсенхонга етказдилар.

«Шимолдаги Бурутлардан Манас исмли бир пахлавон бола тугилади. Унинг ортида кора кўк ёли доллининг устида лагандай кизил холи бўлади. Манас қалмок билан хитойларга кўп юриш гавголар солади. Осмон билан ер ўртасидаги кўркам шахар Бижинни остин-устин килади. Олейейхон бўлади. Хитойларнинг ботири яксон бўлади. «бу хабарни эшитган Эсенхон

Бурутларнинг хомиладор аёлларини биронта хам колдирмай корнини ёриб ташлашни

бууради. Анча йиллар овулдан болалар йигиси эшитилмай колди. Орадан уч йил ўтгач, Чейирдининг ой куни якинлашиб колди. Нихоят ўгил кўрди. Чейирдининг кўзи ёриётган вактда бир ходиса юз берди. Бу вокеани на Жакипга, на якинларига айтди. Бир дарвеш оксокол туйнукдан тушиб, ўгилингни оти Манас авлиё, улгайса кирон чикади. Шунинг учун битта пўлат ўкни багишладим, ёкасига тикиб кўй, 12 га ошганда куролсоз устага камоннинг найзасини ясатиб, бола камолга етганида осмондан тушар олти куч, - деб авлиё кўздан гойиб бўлди.

Жакиб бу хурсандчиликдан кейин, элга ош бериб ўзига тегишли кишиларга бош-оёқ сарполар килди. Болани чопонининг багрига ўраб исм кўйиб, беришларини сўради. Хамма жим. Шу пайт хамманинг эътиборини тортиб бир дарвеш пайдо бўлди. Болакай уч ёшга тўлганда «Жинни» номини олди. Хўқизни шохини синдириб, дарахтларни илдизи билан кўпориб ташлади. Сон билан 7 ёшда бир кўзининг гўштидан тўймади. 8 ёшида савдогарларнинг буюмларини тортиб олиб болаларга бўлиб берадиган килик чикарди.

Манасни хар жихатдан тарбиялаш учун дўсти Ўшкирга элтиб берди. Ўшкир унга кўй бокишини ўргатди.

Суяги меники, гўшти сизники. Урсук, авайлама, эркалатма уни одам килиб бер. Олти ойдан кейин хомсемиз Манас чаккон бўз ўлонга айландк.

Ёз кунларининг бирида кўйларга бўри оралади ва кўзиларни бўғиз-лай бошлади. Манас бўрига ташланди. Таёк зарбидан бўри оркага чекинди. Бўри кўзини тишлаган холда коча бошлади. Ва бир горга кирди. Бўрини оркасидан горга кирган Манас чордана куриб ўтирган 40 кишига кўзи тушди. Бир томонда канотли отлар, депсиниб турибдилар.

Ўртада Ўшкир-нинг ок кўзиси маъраб турибди.

- Огалар, кўзи кўтарган бўрини кўрмадингларми?
- Кўрдик. Ўша бўри биз бўламиз. Биз сенинг дўстларингмиз. Качон кийин ахволда колсанг биз ёрдамга етиб борамиз. Кирк чилтон билан Манас багрини-багрига босиб аҳд килишди.